

Гўзал қалбли насроний худди шундай мусулмондан эътиқод жиҳатдан паст ҳисобланадими?

20:47 / 24.04.2016 3414

САВОЛ: Инсон хоҳ мусулмон бўлсин, хоҳ насроний бўлсин, у Худонинг васлига етиш мақсадида қалбини, қилаётган амалларини поклашга, ҳидоят йўлидан юришга ҳаракат қилади. Фақат насронийлар, худонинг ўғли бор, деб яна баъзи ҳолларда адашишган. Гўзал қалбли насроний худди шундай мусулмондан эътиқод жиҳатдан паст ҳисобланадими?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Эътиқод, ибодат ва амални Аллоҳ таоло кўрсатганидек қилиш керак. Акс ҳолда бирортаси ҳам қабул бўлмайди. Мўмин-мусулмон мазкур нарсаларни Аллоҳ таоло кўрсатганидек қилади. Шунинг учун унинг иймони, ибодати ва амали мақбул бўлади. Валлоҳу аълам.